

## ЯККА ТАРТИБДАГИ ХОНАДОНЛАРДА ҚУЁНЛАРНИ САҚЛАШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ

**М. Қ. Дурдибоева**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар  
университетининг Тошкент филиали талабаси

**З.Ш.Тургунова**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали талабаси

### **АННОТАЦИЯ**

*Қуёнларни тўла қийматли рационлар асосида боқиши, уларнинг пуштдорлигини (кўп бола бериши хусусияти) ва тез етилувчанлигини оширади. Гўшит йўналишидаги қуёнларни бўрдоқига боқишида уларнинг жадал семириши ва юқори сифатли пархез қуён гўшти ишлаб чиқаришига асос бўлади.*

### **АННОТАЦИЯ**

*Кормление кроликов полноценным рационом повысит их плодовитость и быстрее половое созревание. Откормлеваемые кролики на мясное направление быстрее набирают вес и позволяет производит диетическое качественное мясо.*

### **SUMMFY**

*Feding rabbits with a full-fledged diet will depend on their fecundity and faster puberty. Feeding the rabbits on the meat direction quickly gain weight and allows you to produce high-quality dietary meat.*

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Чорвачиликни хусусийлаштириш натижасида чорва ҳайвонларининг ҳақиқий эгаси топилди, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорва бош сонлари кўпайиб, маҳсулот етиштириш кескин ошди ва шу асосда чорвачиликни тармоғи бўлган қуёнчилик ҳам ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги дастурида “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” бандида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” режаси ишлаб чиқилди.

Бу эса аҳолининг реал пул даромадларини оширишга, кам таъминланган оилаларни камайиришга, янги ўринларни яратишга, ишсизлик даражасини камайтиришга, аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини амалга ошириш учун шароитлар яратишга тақозо этмоқда.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги, хусусан чорвачиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларда гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотларини кўпайтириш бугунги кунда энг устивор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда кўпайтириш учун районлашган гўшт маҳсулдорлик йўналишидаги қуён зотларига кулранг великан, Шеншелла, оқ великан ва бошқа зотлар киради. Тобора кўпайиб бораётган республикамиз аҳолисини гўшт ва

гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда айниқса пархез қуён гўшти ишлаб чиқаришда қуёнчиликни ривожлантириш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қиёнчиликни республикамизда ривожлантириш мақсадида Янги зеланд зотига мансуб серпушт гўшт йўналишидаги қуён зоти республикамизда урчитиб келинмоқда. Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги ЯТТ “Атоев Акбаржон” хонадонида ушбу зотга мансуб қуёнлар парваришланмоқда. Зотнинг ирсий жиҳатидан сезиларли даражада яхшиланиши, парваришланаётган қуён зотини иқлим шароитига мослашувчанлигини ошириш, озуқага бўлган талабини ўрганиш тадбирлари зотнинг маҳсулдорлик, пушдорлик ва бошқа хусусиятларини такомиллаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этади. Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда қуёнларни сақлаш асраш, тўла қийматли (макро ва микро элементларга ҳамда витаминларга бойитилган) рацион асосида боқиш бўйича илмий ишлар йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида урчитилаётган қуён зотини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Четдан олиб келиниб урчитилаётган Янги зелланд қуён зотининг маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларини тўла юзага чиқаришда селекция-наслчилик ишларини олиб бориш, олинган тез етилувчан қуён зотини республикамизнинг бошқа худудларга тарқатиш, кўпайтириш ва улардан юқори сифатли гўшт ишлаб чиқаришни ва аҳолини арзон пархез гўшт билан таъминлашда ва аҳолини иш билан таъминлашда катта омил бўлиб хизмат қилади.

Қуёнларнинг вазн ўсиши асосий биологик омиллардан бири ҳисобланиб, бу кўрсаткични ўрганиш зоотехния фанида муҳим ва асоси ҳисобланади. Озиқлантириш структурасидан ва физиологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда назорат гуруҳи қуёнларига ҳамда тажриба гуруҳи қуёнларига озиқлантириш рационини ишлаб чиқилди.

Тажриба куёнларининг озиклантириш рациона таркиби куёнларнинг тинч ва бўғозлик даврида беда пичани 40% , маккажўхори ва арпа донлари 20%, буғдой дони 7%, соя шроти 10%, гўшт-суяк уни 2%, премикс 1% ташкил қилган ҳолда, куёнларнинг сут эмизиш даврида ҳамда ёш ўсувчи куёнлар учун беда пичани 25%, маккажўхори дони 27%, арпа дони 25%, буғдой дони 5%, соя шроти 13%, гўшт-суяк уни 4%, премикс миқдори эса 1% ташкил этган ҳолда тўла қийматли рацион тузилди ва тажриба гуруҳидаги куёнларни озиклантирди. Назорат гуруҳи куёнлари эса хўжаликда қабул қилинган мавжуд озуқалардан тузилган рацион асосида яъни куёнларнинг тинч, бўғозлик даврларида беда пичани 50%, маккажўхори, арпа донлари 25% ни ташкил қилган бўлса, сут эмизиш даврида ва ёш куёнчаларнинг ўстириш даврларида ҳам бир хил бўлади.

#### Тажриба гуруҳидаги куёнларни рацион структураси, %

Озуқа турлари	даврлар			
	Тинч	Бўғозлик	Лактация	Ёш ўсувчи
Беда уни	40	40	25	25
Маккажўхори дони	20	20	27	27
Арпа дони	20	20	25	25
Буғдой дони	7	7	5	5
Соя шроти	10	10	13	13
Гўшт-суяк уни	2	2	4	4
Премикс	1	1	1	1
Жами:	100	100	100	100

#### Назорат гуруҳидаги куёнларни рацион структураси, %

Озуқа турлари	даврлар			
	Тинч	Бўғозлик	Лактация	Ёш ўсувчи
Беда уни	50	50	50	50
Маккажўхори дони	25	25	25	25
Арпра дони	25	25	25	25
Жами:	100	100	100	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 150 кунлик ўстириш даврида тажриба гуруҳи қуёнлари назорат гуруҳига нисбатан 2,28 кг кам гранула шаклидаги озуқа сарфлаган, куруқ модда ҳисобига 1,84 кг, клетчатка миқдори 1,37 кг тўғри келган. Хазмланувчи протеин 0,78 кг ва хом ёғ 0,02 кг ортиқча сарф қилгани кузатилган.

1 кг тирик вазн ўстиришга тажриба гуруҳидаги қуёнлар 4,21 кг озуқа бирлиги, ёки назорат гуруҳига нисбатан 24,7% кам сарфланган.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, қуёнларни жадал тўла қийматли рацион асосида боқиш озуқа сарфини камайтириши ва маҳсулот таннарҳини пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Икромов Т. Ўзбекистонда қуёнчиликнинг ривожланиши.-Т.:Фан,1983
2. Манина И.С, Леонтьук.С.Б. Как разводить кроликов.-М.Колос.1984
3. Манина И.С, Кроликовод.- М.Колос.2000
4. Сысоев.Б.С, Александров В.Н- Кролиководство.М-1985
5. Тинаев.Н.Н-Продукция кролиководства-М.Колос.1988